

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSс.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕШАБОЕВ ДИЛМУРОД РАХМАДЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҲАВОЛА БЎЛАКЛИ СИНТАКТИК  
КОНСТРУКЦИЯЛАР**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philological sciences**

**Тешабоев Дилмурод Рахмаджонович**

Ўзбек тилидаги ҳавола бўлаккли синтактик конструкциялар ..... 3

**Teshboyev Dilmurod Raxmadjonovich**

Syntactic constructions with dependent clause of addressing ..... 29

**Тешабоев Дилмурод Рахмаджонович**

Синтаксические конструкции с придаточной частью обращения ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ ..... 55

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕШАБОЕВ ДИЛМУРОД РАХМАДЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҲАВОЛА БЎЛАКЛИ СИНТАКТИК  
КОНСТРУКЦИЯЛАР**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fil 1023 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университети тилшунослик кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мамажонов Алижон**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Усмонова Ҳуринисо Шараповна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_»\_\_\_\_\_2019 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: [info@fdu.uz](mailto:info@fdu.uz))

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Қосимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.

**И.Т.Ҳожалиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

**С.Мўминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида синтактик сатҳнинг мураккаб бирлиги ҳисобланган кўшма гапларга доир муаммоларни ўрганиш соҳасида эришилган ютуқлар анча салмоқли. Бугунги тилшуносликда тил бирликларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш анъанаси етакчилик қилмоқда. Кўшма гаплар ҳақидаги янги назарияларнинг пайдо бўлиши синтактик сатҳдаги ўрганилиши муҳим бўлган ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг моҳияти, тавсифи борасидаги масалаларни структур-семантик таҳлил усулига таянган ҳолда талқин қилиш ва ҳал этишга кенг йўл очди.

Дунё тилшунослигида кўшма гапларни мукамал таҳлил этиш ва уларнинг лингвистик моҳиятини чуқур ва пухта ўрганиш борасида бир қатор аҳамиятга молик тадқиқотлар олиб борилди. Кўшма гапларнинг структурал-семантик таснифи, услубий хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги исботланди, уларнинг шаклий ва мазмуний кўриниши муаммоларини тадқиқ қилиш муаммо сифатида кўйилди. Бинобарин, мураккаб синтактик бутунликларнинг лисоний хусусиятларини илмий талқин этиш, назарий-амалий қонуниятларини тўлақонли аниқлаш, улар ҳақидаги мукамал ва аниқ қоида, таъриф, хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жамиятимизда юз бераётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар ҳамда фан-техника тараққиёти замонавий ўзбек тилшунослигига бўлган эътиборнинг кучайишига олиб келмоқда. Ўзбек тилшунослигида кўшма гап масаласига бағишланган мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларни кўшпредикатив ва полипредикатив бирликлар доирасида тадқиқ этиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Уларнинг структур-семантик хусусиятларини илмий асослаш, шаклий ва мазмуний кўриниши муаммоларини тадқиқ қилиш, шунингдек, ҳавола бўлакли кўшпредикатив бирлик ҳамда ҳавола бўлакли полипредикатив бирликлар лингвистик табиатининг намоён бўлишини аниқлаш, тасниф ва тавсифини келтириш, мавҳум жиҳатларини янгича қарашлар билан бойитишга зарурат сезилмоқда. Бу, ўз навбатида, фан тараққиётини янги босқичга кўтарди. Зеро, тилга эътибор давлат ва жамият бошқарувининг асосий омили ҳисобланади. Чунки она тили миллатнинг бош белгисидир. «...она тилимизнинг бойлигини, унга ҳурматингиз ва муҳаббатингизни тилимизни дунёга тараннум этиш билан кўрсатиш керак»<sup>1</sup>. Бугунги кунда ўзбек тили синтаксиси олдида истиқлол даври тил сиёсати асосида замонавий тараққиёт тамойилларига асосланган янги тадқиқотлар яратиш вазифаси кўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари билан суҳбатидан/<https://sputniknews-uz.com>

«Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тилшунослик фани тараққиётининг бугунги давригача тилнинг фонетик, лексик ва синтактик сатҳларига тааллуқли бўлган кўплаб масалалар атрофлича ёритилди. Шу жумладан, жаҳон тилшунослик фанида қўшма гап масалаларига анчагина эътибор қаратилган. Қўшма гаплар масаласи турли даврларда олимлардан Ш.Балли, А.М.Пешковский, И.Н.Егорова, У.Вейнрейх, В.В.Щеулин, Н.Н.Ильина, Е.В.Падучева, Т.А.Колосова, В.А.Корнилов, Г.Ф.Гаврилов, В.С.Страхова, А.Бирвиш, В.А.Белошапкина, О.И.Москальская, М.И.Черемисина, О.К.Васильева-Шведе, Г.В.Степанов, А.Н.Баскаков, С.И.Шутова, Е.Н.Ширяев, А.З.Абдуллаев, А.Г.Джавадов, В.Б.Касевич, В.Г.Адмони, С.А.Шувалова каби тилшуносларнинг диққатини тортган.<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М.: 1955, С.43-48; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. 7-е изд. М.: Учпедгиз, 1956, С.467-468; Егорова И.Н. Позиционные эквиваленты слова в составе предложения. – В кн.: Русский язык. Грамматические исследования. М.: Наука, 1967, С. 78-79; Вейнрейх У. О семантической структуре языка. – В кн.: Новое в лингвистике. Вып. V. М.: Прогресс, 1970, С. 177-183; Щеулин В.В. О классификации сложноподчиненных предложений. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1972, С. 3-12; Ильина Н.Н. Об одном способе классификации связей между частями сложного предложения. – В кн., Информационные вопросы семантики, лингвистики и автоматического перевода. М., 1972, Вып. 2; Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. Материалы трансформационной грамматики русского языка, М., 1974, гл. V; Шу муаллиф. О порождении сложного предложения из простых. – В кн.: Исследования по математической лингвистике математической логике и информационным языкам. М., 1972; Гак В.Г. О категориях модуса предложения – В сб.: Предложение и текст в семантическом аспекте. Калинин, 1978, С. 20; Колосова Т.А. Русские сложные предложения ассиметричной структуры. Воронеж. 1980; Корнилов В.А. К проблеме изоморфизма сложно-подчиненного предложения и подчинительного словосочетания. – В кн.: Подчинение в полипредикативных конструкциях. Новосибирск: Наука, 1980, С. 13; Гаврилов Г.Ф. Об изоморфизме сложно-подчиненного предложения и словосочетания. – В кн.: Подчинение в полипредикативных конструкциях. Новосибирск: Наука, 1980, С. 29; Страхова В.С. Некоторые лингвистические основы обучения гипотаксису. – В кн.: Проблемы ученика русского языка как иностранного. Синтаксис. М.: Русский язык, 1980, С. 456-457; Бирвиш А. Семантика. – В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. X.М.: Прогресс, 1981, с.177; Современный русский язык. Под ред. Белошапкина В.А. М.: Высшая школа, 1981, С.475; Москальская О.И. Проблемы системного описания синтаксиса. М.: Высшая школа,

Ўзбек тилшунослигида ҳам айти шу йўналишда Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, А.Бердиалиев, А.Мамажонов, Р.Сайфуллаевларнинг тадқиқотлари мавжуд.<sup>3</sup> Шунга қарамай, ўзбек тилида ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг структур-семантик хусусиятлари каби масалалар умумий тилшунослик доирасида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам ҳали тадқиқотлаб бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тили синтаксиси масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ҳозирги замон тилшунослигида ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларга оид муаммоларни тадқиқ этиш ва улар билан боғлиқ масалаларнинг илмий талқинини ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

замонавий тилшуносликда қўшма гап назарияси бўйича вужудга келадиган янги қарашларни изоҳлаш, уларга муносабат билдириш;

ўзбек адабий тилидаги қўшма гап синтаксисига, жумладан, ҳавола бўлакли қўшма гапларга доир кузатишларни янги илмий қарашлар билан бойитиш;

қўшма гап таркибидаги ҳавола бўлақларнинг компонентларни ўзаро бириктиришдаги ролини янада кенгроқ тадқиқ этиш;

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларда шакл ва мазмун муносабатларини ўрганиш;

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг грамматик хусусиятларини аниқлаш;

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг қўшпредикатив ва полипредикатив birlikларда намоён бўлиши жиҳатларини очиқ бериш;

---

1981, С.10; Черемисина М.И. Сложное предложение как знак языка. – В кн. Синтаксис алтайских и европейских языков. Новосибирск: Наука, 1981, С. 37; Васильева-Шведе О.К., Степанов Г.В. Теоретическая грамматика испанского языка. Синтаксис предложения. М.: Высшая школа, 1981, С.232; Баскаков А.Н. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, С.119; Шутова С.И. Вопросы теории синтаксиса, М.: Наука, 1984, С.55; Ширяев Е.Н. Бессоюзное сложное предложение в современном русском языке. М., 1986; Абдуллаев А.З., Джавадов А.Г. О семантическом ядре азербайджанского сложноподчиненного предложения. Советская тюркология, 1987, № 1, С. 52-53; Касевич В.Б. Семантик. Ситаксис. Морфология, М.: Наука, 1988, С. 121; Адмони В.Г. Грамматический строй как система построения и общая теория грамматики. Л.: Наука, 1988, С.105; Шувалова С.А. Смысловые отношения в сложном предложении и способы их выражения. М.: Изд-во МГУ, 1990.

<sup>3</sup> Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1958; Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960; Асқарова М.А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. АДД. Ташкент, 1963; М.Асқарова. Ўзбек тилида эргаш ш формалари ва эргаш гаплар. Тошкент, 1966, 313-бет; А.Мамажонов. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида периодлар. Фил.фан.кан.дисс. Фарғона, 1974, 74-бет; Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 171-240 бетлар; Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент: Фан, 1989; Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношения в конструкциях сложноподчиненного предложения узбекского литературного языка. АДД. Ташкент, 1989; Бердиалиев А. Координатив алоқа ва унинг хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 3-сон, 21-бет; Бердиалиев А. Ўзбек тилида омоним модели эргаш гапли қўшма гаплар. Тошкент: Фан, 1990; Сайфуллаева Р. Эргашган қўшма гапнинг таснифи. Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 3-сон, 22-бет

ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар орқали юзага чиқадиган мазмуний муносабатларни ёритиш орқали мазкур муаммонинг янги қирраларини кашф этиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида ўзбек тилидаги ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар олинган.

**Тадқиқот предмети** ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларни тадқиқ қилиш ҳамда таҳлил учун олинган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг структур-семантик хусусиятлари ва уларнинг структур схемаларини белгилаш ҳисобланади.

**Тадқиқотда қўлланилган методлар.** Диссертацияда узвий-компонент таҳлил, оппозитив, трансформация, герменевтик, семантик-тавсифий усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилар билан белгиланади:

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг кўрсатиш, белгилаш, сўроқ олмошлари, шунингдек, сифат, сон туркумига мансуб айрим сўзлар ёрдамида шаклланиши ва мазмунан умумга қаратилиши ўзбек тили материаллари орқали очиб берилган;

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг қўшпредикатив ва полипредикатив бирликлар кўринишида намоён бўлиши сўзлашув, бадиий, илмий, расмий ҳамда публицистик услубга хос нутқ бирликлари мисолида исботланган;

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг шаклан кесим, эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол предикатив бирлик кўринишида, мазмунан шахс, нарса, белги, ўрин, пайт, тарз, даража-миқдор, натижа каби гуруҳларга бўлиниши асосланган;

ҳавола бўлакли қўшпредикатив ва полипредикатив бирликларнинг монопредикатив бирликлараро деривацион хусусиятга эга бўлиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг лисоний белгилари ёритиб берилган;

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларни тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек тили синтаксиси бўйича муҳим илмий-назарий маълумотлар беришда, мавжуд ўқув адабиётларини мукамаллаштиришда, ўқув, методик ва ўқув-методик қўлланма ва мажмуалар яратишда, маъруза матнлари тузишда хизмат қилиши асосланган;

тил системасида маълум микросистемани ташкил этувчи ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар англатган мазмуний муносабатлар очиб берилган;

ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар ҳамда унинг коммуникатив хусусиятларини ўрганиш ва бунда ҳавола бўлакли предикатив бирликларнинг деривацион тамойилларига қатъий риоя қилиш каби масалалар тадқиқига жиддий эътибор қаратилган;

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг шаклий ва мазмуний тузилиши ҳамда уларнинг бошқа синтактик структуралардан фаркли томонлари кўрсатилган;

диссертацияда тадқиқ қилинган ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар нутқ бирликларини тизимли ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** танланган текширув объектларига ёндашиб, фойдаланилган лингвистик методларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга изчил асосланганлиги, фойдаланилган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикрлар ва уларга муносабат билдирилиши, эришилган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, улар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган. Бундан ташқари, олинган натижаларнинг ҳар бири фактик тил материали воситасида далилланмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги тилшуносликда ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг ва, умуман, ҳавола бўлакли кўшпредикатив бирликлар, ҳавола бўлакли полипредикатив бирликлар ҳамда уларнинг структур-семантик хусусиятларини ўрганиш, хусусан, ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларнинг талқини ўта муҳим илмий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тилшунослик машғулотларида лингвистик таҳлил методларини ўқитишда, шунингдек, тадқиқот натижаларига систем-структур тилшунослик доирасида изланиш олиб бораётган илмий ходимлар, битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияларини ёзаётган талабалар ҳам фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилидаги ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар мавзусидаги тадқиқотнинг илмий натижалари қуйидаги илмий ишларга татбиқ этилган:

ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларни ўрганиш бўйича олинган натижалардан психолингвистиканинг назарий масалалари доирасида, нутқ бирликлари қурилишининг психолингвистик тавсифи, матн яратилишида ҳавола бўлақларнинг роли ва ўрнини белгилаш каби масалалар ечимида А-1-39 рақамли «Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 29 июлдаги 89-03-2838-сон маълумотномаси). Натижада матн яратилишида сўзловчи ва тингловчининг руҳий ҳолати, ўзаро мулоқотга киришишда иштирокчилар шахс хусусиятларининг ёрқин очиб берилиши масалалари илмий далиллар билан бойишига эришилган;

ўзбек тилидаги ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар доирасида ишлаб чиқилган таҳлил усулларида ОТ-Ф-1-100 рақамли «Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви» номли фундаментал

лойихасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 29 июлдаги 89-03-2838-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал лойиҳа доирасида чоп этилган «Шахс ва қадриятлар диалектикаси» номли монографияни тайёрлашда кенг фойдаланилган;

хавола бўлакли синтактик конструкциялар бўйича олинган натижалар Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг «Маънавият сарчашмаси», «Адабий муҳит», «Қадрият» кўрсатувларида, шунингдек, «Маънавият – қалб кўзгуси» радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 04июнь12-01/59-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларнинг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола нашр қилинган. Уларнинг 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 140 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилиниши, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Хавола бўлакли кўшпредикатив бирликларнинг назарий масалалари»** деб номланиб, у уч параграфдан ташкил топган. Бобнинг **«Хавола бўлакли кўшма гап (кўшпредикатив бирлик)ларнинг ўрганилиш тарихи»** деб номланган биринчи параграфда мураккаб синтактик бирлик бўлган кўшма гаплар масаласини ўрганиш бобида тилшуносликда амалга оширилган тадқиқот ишлари ҳақида атрофлича маълумот берилади ва ушбу тадқиқотлар муаллифлари фикрларига муносабат билдирилади.

Равшанки, кўшма гап синтаксиси масаласи жаҳон тилшунослигида ҳар доим долзарб бўлиб келди ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Айни пайтда, айниқса, семантик синтаксис ва структур синтаксис муаммолари

талқини бобида бажарилаётган тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этиши изоҳ талаб қилмайди.

Ўзбек тилида, умуман, туркийшуносликда қўшма гап назарияларини ўрганишнинг дастлабки босқичи, асосан, рус тилшунослигида шаклланган қўшма гап назариялари қолипида яратилган. Нафақат қўшма гап, балки тилдаги жуда кўплаб ҳодисалар учун ҳам рус тилшунослигидан андоза олиш бир қадар анъанага айланган.<sup>4</sup>

Ўзбек тилшунослигида қўшма гапларни мукамал таҳлил этиш ва уларнинг хусусиятларини чуқур ҳамда пухта ўрганиш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган<sup>5</sup>.

Қўшма гаплар тадқиқида М.Асқарова, Ғ.Абдурахмонов, А.Бердиалиевлар ва уларнинг илмий қарашлари алоҳида диққатга сазовордир. Масалан, ўзбек тилшунослигида биринчи марта қўшма гаплар муаммосини ўрганишга қўл урган тилшунос олим Ҳ.Ғозиевдир. Олим қўшма гап қисмларининг ўзаро боғланиш белгисига кўра 2 гуруҳга, боғланган ва эргашган қўшма гапларга, ажратишни маъқуллайди ва асосий эътиборини эргашган қўшма гапларнинг таркибини тадқиқ этишга қаратади<sup>6</sup>.

М.Асқарова ҳам қўшма гапларни таснифлашда мураккаб синтактик бирлик қисмларини боғловчи воситалар белгисига таянган ҳолда, уларни икки гуруҳга - боғланган ва эргашган қўшма гапларга ажратади<sup>7</sup>.

Ғ.Абдурахмонов ўзбек тилшунослиги тарихида илк марта қўшма гапларни уч гуруҳга ажратиб таснифлайди. Хусусан, олим ҳавола бўлакли қўшма гапларни фақат қўшма гапнинг эргашган қўшма гап тури бўйича талқин этиб, бу типдаги мураккаб синтактик бирликни «Умумлаштирувчи изоҳ эргаш гаплар» атамаси остида айтиб ўтади<sup>8</sup>.

Профессор Н.Маҳмудовнинг «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» (ҳамкорликда 1992), «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис» (ҳамкорликда 1995) каби асарлари қўшма гап синтаксисига оид бўлиб, унда эргаш гапли қўшма гаплар таркибида қўлланувчи ҳавола бўлақлар ҳақида ҳам бир қатор фикр-мулоҳазалар берилган ва талқин этилган. «Ҳавола бўлақ» атамаси ўзбек тилшунослигига биринчи мартаба профессор Н.Маҳмудов томонидан киритилган бўлиб, олим эргаш гапли қўшма гапларни таснифлашда фақат эргаш предикатив бирликларнигина эмас, балки бош предикатив бирликларни ҳам ҳавола (дейктик) бўлақларнинг иштироки белгисига кўра:

<sup>4</sup> Маҳмудов Н.М. Қайта қуриш ва ўзбек морфологиясининг айрим масалалари. Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. 3-сон, 16-20-бетлар.

<sup>5</sup> Ғозиев Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги қўшма гапларнинг состави ҳақида // Ўзбек тили илмий грамматикасидан материаллар. Тошкент, 1941. 127-156 бетлар. Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958; Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили ва қўшма гаплар. Тошкент, 1960 ва б. Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношение в конструкциях сложноподчиненного предложение узбекского литературного языка. АДД. Ташкент, 1989; Бердиалиев А. Ўзбек тилида омоним модели эргаш гапли қўшма гаплар. Тошкент: Фан, 1990.

<sup>6</sup> Ғозиев Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги қўшма гапларнинг состави ҳақида // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. Тошкент, 1941. 127-156 бетлар.

<sup>7</sup> Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили ва қўшма гаплар. Тошкент, 1960. 6-7 бетлар.

<sup>8</sup> Абдурахмонов Ғ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўз ФАН нашриёти, 1966;

ҳавола бўлакли ва ҳавола бўлакисиз гапларга ажратиш мумкинлигини таъкидлаб ўтади<sup>9</sup>.

Н.Турниёзов қўшма гап турларини таснифлашда қўшма гапни ташкил этган қисмларнинг ўзаро боғланиш усулига кўра ёндашиб, мураккаб синтактик бутунликни гипотактик ва паратакттик қўшма гап турларига ажратади<sup>10</sup>.

Тилшунос олим А.Мамажонов ўзининг «Қўшма гап стилистикаси» деб номланган монографиясида эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида фикр юритиб, уларнинг ҳар хил аспектлардаги ҳолатига эътибор қаратади ва уларнинг полисемантик характери, услубий хусусиятлари ҳамда қўшма гапларнинг семантик таснифига доир масалаларга тўхталиб ўтади<sup>11</sup>. Хусусан, тадқиқотчи ҳозирги кунда ўзбек тилининг кичик ва катта синтаксиси муаммолари сифатида бир қатор масалаларни, жумладан, қўшма гапларнинг мазмуний таснифи, ҳавола бўлакли гап кабиларни кенгрок планда ўрганиб чиқиш лозимлигини мақсадга мувофиқ бўлар эди<sup>12</sup>, деб таъкидлайди.

Абдували Бердиалиевнинг «Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика» номли илмий рисоласи тилшуносликда мазмуний (семантик) синтаксис йўналишидаги дастлабки тадқиқотлар сирасига киради<sup>13</sup>. Эргаш гапли қўшма гаплардаги парадигматик ва синтагматик хусусиятлар, эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний-сигнификатив хусусиятлари, улардаги синтактик омонимия, полисемия, кўп функционаллик каби бир қатор масалалар чуқур тадқиқ қилинган.

Бугунги замонавий тилшунослик қўшма гаплар борасида тадқиқотчилардан чуқур илмий изланишлар олиб боришни талаб қилмоқда. Айни пайтда шуни таъкидлаш ўринлики, ўзбек тилида ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг структурал-семантик тадқиқига доир масалалар ҳозирга қадар, деярли, махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу борада қўшма гапларга доир айрим мулоҳазалар таҳлилга тортилган<sup>14</sup>.

<sup>9</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. Тошкент, 1995. 169-бет

<sup>10</sup> Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Самарқанд. 2008 йил. 7-бет

<sup>11</sup> Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. 1990.

<sup>12</sup> Мамажонов А. Қўшма гап синтаксиси муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2016. № 1. – Б. 100-103.

<sup>13</sup> Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент. «Фан» нашриёти. 1989 йил. 92-96-бетлар

<sup>14</sup> Ўсаров И. Қўшма гапларда полисиндетон ва асиндетон ҳодисалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. № 4. – Б. 66-69. Абдусаматов Р. Қўшма гапларда мазмун ва шакл номувофиклиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. № 1. – Б. 23-26. Боймирзаева С. Қиёслаш муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар синонимияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. № 1. – Б. 30-34. Умарова Н. Ўхшатиш эргаш гапларда сабаб ва оқибат // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. № 1. – Б. 79-82. Турниёзов Б. Бириктирув боғловчили мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. № 4. – Б. 80-82. Азимов И. Қўшма гап қисмларининг боғланиш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. № 1. – Б. 53-56. Холбоева М. Қўшма гапларнинг матн яратилишидаги ўрни хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. № 6. – Б. 90-92. Раҳматов М. Чун боғловчили эргаш гаплар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. № 1. – Б. 88-90. Тожиев О. Боғланган қўшма гапларда мазмуний синкретизм // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. № 5. – Б. 74-77. Холбоева М. - са воситали қўшма гаплар семантикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. № 4. – Б. 94-96. Азимов И., Сапарниёзова М. Боғланган қўшма гапларнинг ўзаро боғланиш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. № 1. – Б. 85-88. Искандарова Ш. Қўшма гаплар таснифи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. № 2. – Б. 7-12. Мусаев А., Умрзақова Г. Эргаш гапли қўшма гаплардаги қисмлар тартиби // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014. № 4. – Б. 96-100. Айтбоев Д. Қўшма гапларнинг мантикий-мазмуний тадқиқи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,

Маълумки, «қўшма гап» атамаси ўзбек тилшунослиги терминологиясига сингишиб кетган. Лекин бу ҳақда умумтилшуносликда зиддиятли фикрлар ҳам бор. Жумладан, «А.М.Пешковский қўшма гап деган тушунчанинг зиддиятли эканини айтади ва унинг ўрнида «Мураккаб бутунлик» - «Сложное целое» атамасини қўллайди. Унинг фикрича, гап гапдан ташкил топмайди<sup>15</sup>. Ҳақиқатан ҳам, гап гапга қўшилса, матн ҳосил бўлади.

Бу фикрни эътиборга олиб, биз мазкур тадқиқот ишида «қўшма гап», «мураккаб қўшма гап» атамалари билан параллел равишда (уларга синоним сифатида) «қўшпредикатив бирлик», «полипредикатив бирлик» терминларидан фойдаланишни лозим топдик. Бу атамаларнинг ўзбек тилига қай даражада сингиб кетишини келажак кўрсатади.

Бобнинг иккинчи параграфи «**Ҳавола бўлакли боғловчисиз қўшпредикатив бирликлар**» деб номланади. Ҳавола бўлакли боғловчисиз қўшпредикатив бирликларнинг таркибий қисми бўлган иккинчи предикатив бирлик биринчи предикатив бирликни турли томондан изоҳлайди. Жумладан, иккинчи предикатив бирлик биринчи предикатив бирлик таркибидаги айрим гап бўлақларининг маъносини изоҳлайди, биринчи предикатив бирликда турли синтактик ўринни эгаллаган *бу, шу, ўша, бунга, бундай, қандай, бошқача, ўша тартибда, шунақа, шуниси, шуни, шунга, шундай, нарса, бир, бир нарса, икки нарса, шу нарса, ҳамма нарса, бир гапни, бир нарсани, битта, биринчи* каби ҳавола бўлақларнинг мазмунини изоҳлайди ва шу мазмун билан алоқадор бўлган турлича маълумотни ифодалашга хизмат қилади.

Маъноси изоҳланувчи бўлак, кўпинча, ҳавола бўлакли боғловчисиз қўшпредикатив бирликларнинг биринчи қисмида бўлади ва мантикий урғуни олиши билан бошқа гап бўлақларидан фарқланиб туради ҳамда алоҳида оҳанг билан айтилади.

Қўшпредикатив бирликнинг биринчи предикатив қисмидаги айрим бўлақни изоҳлаб келган иккинчи предикатив бирлик ўз мазмунига кўра изоҳланаётган бўлак маъносига тенг бўлади ва бажарган вазифаси ўзи изоҳлаб келаётган ҳавола бўлакнинг вазифасига тенглашади, шу сабабли бу қисмни маъноси изоҳланаётган бўлакнинг синтактик ўрнига қўйиш мумкин бўлади. *Дил бойлиги ва руҳ озиғи уч нарсададир: биринчи илмда, иккинчи ризода, учинчи қаноатда.* Муъиниддин Жувайний

Мазкур ҳавола бўлакли боғловчисиз қўшпредикатив бирликлардаги «*уч нарса*» ҳавола бўлақлари туширилиб, унинг ўрнига иккинчи предикатив бирлик қўйилса, мазкур ҳавола бўлакли боғловчисиз қўшпредикатив бирлик содда предикатив бирликка айланиб, «синтактик деривация»<sup>16</sup> ҳодисасини юзага чиқаради. *Дил бойлиги ва руҳ озиғи илмда, ризода, қаноатдадир.*

---

2015. № 3. – Б. 74-78. Мамажонов А. Қўшма гап синтаксиси муаммоларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2016. № 1. – Б. 100-103.

<sup>15</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис а научном освещении. М.: Государственное учебно-педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР, 1956, С.455.

<sup>16</sup> Мурзин Л.Н. Основы дериватология. – Пернь, 1984.; Храковский В.С. Трансформация и деривация. Проблемы структурной лингвистики – 1972. – М., 1973. – С.492.; Курилович В. Деривация лексическая и деривация синтаксическая//Очерки по лингвистике. – М., 1962.; Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в

Ҳавола бўлакли боғловчисиз қўшпредикатив бирликларнинг иккинчи қисми биринчи қисмга нисбатан кесим, эга, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол вазифасидаги синтактик ўринларда келиши мумкин.

Биринчи қисмга нисбатан қандай синтактик муносабатда бўлишига кўра ҳавола бўлакли боғловчисиз қўшпредикатив бирликларни кесим, эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол кўринишидаги ҳавола бўлакли боғловчисиз қўшпредикатив бирликларга ажратиш мумкин.

Бобнинг учинчи параграфи *«Ҳавола бўлакли эргашган қўшпредикатив бирликлар»* деб номланади.

Ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшпредикатив бирликлар таснифи бошқа тиллардаги эргаш гапларнинг таснифига ўхшаш ёки яқин турувчи бўлиб, «туркий тиллардаги, шунингдек, бошқа тиллардаги эргаш гап турлари содда гап назарияси билан узвий боғланган»<sup>17</sup>. Содда гаплардаги муайян бўлақлар билан эргаш гапларни нисбатлаш жуда узоқ анъанага эга<sup>18</sup>. Масалан, испан тилшунослигида эргаш гапларнинг вазифаси сўз туркумларининг содда гаплардаги вазифаси билан тенглаштирилади<sup>19</sup>.

В.А.Белошапкованинг таъкидлашича, Ф.И.Буслаев асос солган тасниф XIX аср ўрталарида рус тилшунослигида кенг тарқалган. Тасниф эргаш гапли қўшма гапларни содда гапларга, эргаш гапларни эса содда гап бўлақларига ўхшатишга асосланган. Бу таснифга кўра эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол эргаш гапли қўшма гапларнинг турлари белгиланган. Ўрин, тарз, даража-микдор, пайт, сабаб, мақсад, шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар ҳол эргаш гапларнинг кўринишлари сифатида ажратилган.

Н.С.Поспеловнинг тадқиқи эргаш гапларнинг таснифи масаласида шаклий-мазмуний таснифнинг яратилишида муҳим роль ўйнайди. У эргаш гапли қўшпредикатив бирликларни бир аъзоли ва икки аъзоли турларга ажратган<sup>20</sup>.

Туркийшуносликда ҳам Н.С.Поспеловнинг қарашлари, яъни эргаш предикатив бирликларнинг бош предикатив бирликни тўлиқлигича изоҳлаши ёки унинг бирор бўлагини аниқлаши билан алоқадор бўлиши кенг тарқалган.

---

современном узбукском языке//АДД. – М., 1985.; Турниёзов Н.К. Гап ва унинг деривацион хусусиятлари//Ўзбек тили деривацион синтаксиси. – Тошкент, 2011, 65-бет.; Бобоев У.Н. Синтаксическая деривация придаточного предилложения времени в современном узбекском языке (в сопоставлении с французским языком)//АКД. – Алма-ата, 1992; Гаффаров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали курилмаларнинг синтактик деривацияси//Номзод. дис. автореф. Самарқанд, 1997; Четин М. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмалари синтактик деривацияси//Номзод. дис. автореф. – Тошкент, 2002; Яхшибоев Ғ.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси//Номзод. дис. автореф. – Самарқанд, 2004; Турниёзов Б. Н. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик курилмалар деривацияси//Номзод. дис. автореф. Самарқанд, 2006; Шодиев Ф.Т. Ҳозирги ўзбек тилида бир бўғинли сўзларнинг структур-семантик талқини ва деривацион хусусиятлари//Номзод. дис. автореф. – Тошкент, 2008; Турниёзова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари// Номзод. дис. автореф. – Тошкент, 2010.

<sup>17</sup> Баскаков А.Н. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, С.119.

<sup>18</sup> Щеулин В.В. О классификации сложноподчиненных предложений. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1972, С. 3-12; Корнилов В.А. К проблеме изоморфизма сложно-подчиненного предложения и подчинительного словосочетания. – В кН.: Подчинение в полипредикативных конструкциях. Новосибирск: Наука, 1980, С. 13.

<sup>19</sup> Васильева-Шведе О.К., Степанов Г.В. Теоретическая грамматика испанского языка. Синтаксис предложения. М.: Высшая школа, 1981, С.232.

<sup>20</sup> Белошапкова В.А. Современный русский язык. Синтаксис. М.: Высшая школа, 1977, С. 216-219.

М.А.Асқарова мазмун ва структурасига кўра эргаш предикатив бирликнинг тузилиши бош предикатив бирликдан фарқланиши ва бош предикатив бирликнинг бирор бўлагини ёки бош предикатив бирликни бутунча изоҳлашни таъкидлаб ўтади<sup>21</sup>.

Юқоридаги таснифга таянган ҳолда, А.З.Абдуллаев ва А.Г.Жавадовлар озарбайжон тилидаги эргаш гапли кўшпредикатив бирликларни икки мазмуний-синтактик гуруҳга ажратишни тавсия қиладилар. Улар бош предикатив бирликдаги бирор бўлакни изоҳлайдиган эргаш гапли кўшпредикатив бирликларнинг бир мазмуний ядрога эга бўлишини, бош предикатив бирликни бутунча изоҳлайдиган эргаш гапли кўшпредикатив бирликлар эса икки мазмуний ядрога эга бўлишини таъкидлайдилар<sup>22</sup>.

Эргаш предикатив бирликнинг моҳияти ва қўлланишини таъминлашда бош предикатив бирликнинг кесими вазифасидаги сўзнинг маъноси ва валентлиги муҳим саналади<sup>23</sup>. Предикатнинг валентилигидан юзага келувчи синтактик ўрин баъзан предикатнинг мазмуний имкониятидан келиб чиқиб, тобе предикатив бирлик томонидан ҳам эгалланиши мумкин. Аксинча, синтактик ўрин тобе предикатив бирлик томонидан эгалланмаса, эргаш гапли кўшпредикатив бирлик таркиб топмайди. Шунинг учун айрим тилшунослар эргаш гапли кўшпредикатив бирлик таркибини белгилашда валентлик назариясидан фойдаланадилар<sup>24</sup>. Эргаш гапли кўшпредикатив бирликларнинг семантик жиҳатларини ўрганишда баъзан валентлик назариясига мурожаат қилиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги фикрларга таяниб, шуни айтиш мумкинки, содда гаплардаги бўлакларнинг вазифаларидан андоза олган ҳолда эргаш гапли кўшпредикатив бирликларни таснифлаш мақбулроқдир. Чунки синтактик ўринлар тизими нуқтайи назаридан олганда, эргаш гапли кўшпредикатив бирликлар содда гаплардан, деярли, фарқланмайди. Гапнинг грамматик асоси эргаш гапли кўшпредикатив бирликларда бош предикатив бирлик ҳисобланади. Эргаш предикатив бирлик эса бош предикатив бирлик таркибидаги муайян бир бўлакни изоҳлайдиган гапдир<sup>25</sup>.

Эргаш гапли кўшпредикатив бирликларни таснифлашда фақат эргаш предикатив бирликка эмас, балки бош предикатив бирликка ҳам эътибор бериш лозим. Бу жиҳатдан бош предикатив бирликлар ҳам икки турга бўлинади: 1) ҳавола бўлакисиз бош гаплар, 2) ҳавола бўлакли бош гаплар<sup>26</sup>. «Ҳавола бўлак» деганда умумий тилшуносликдаги «дейксис белгилар» назарда тутилади.

<sup>21</sup> Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри, Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 187-бет

<sup>22</sup> Абдуллаев А.З., Джавадов А.Г. О семантическом ядре азербайджанского сложноподчиненного предложения. Советская тюркология, 1987, № 1, С. 52-53

<sup>23</sup> Гаврилов Г.Ф. Об изоморфизме сложно-подчиненного предложения и словосочетания. – В кн.: Подчинение в полипредикативных конструкциях. Новосибирск: Наука, 1980, С. 29.

<sup>24</sup> Страхова В.С. Некоторые лингвистические основы обучения гипотаксису. – В кн.: Проблемы ученика русского языка как иностранного. Синтаксис. М.: Русский язык, 1980, С. 456-457.

<sup>25</sup> Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаев С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан.

<sup>26</sup> Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаев С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан.

Воқеа, белги, нарсаларни бевосита ифодаламай, балки уларга ишора қилиш, ҳавола қилиш – дейксис белгиларнинг муҳим томонидир. Шунга кўра дейксис белгиларни мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида қараш мумкин<sup>27</sup>.

Дейксис белгилар тадқиқига дастлаб немис тилшуноси К.Бругмани (1904) жиддий эътибор қаратади. Кейинчалик бу тадқиқ К.Бюлер томонидан ривожлантирилади. К.Бюлер ўзининг «Тил назарияси» номли китобида дейксис белгиларнинг моҳияти, турлари, вазифалари ҳақида ўз қарашларини баён этади<sup>28</sup>.

Тилшуносликда дейксис белгилар мавзусига оид ишлар рус тилшунослигида Е.Л.Ерзинкян, И.Ю.Гранева, А.А.Кибрик, А.А.Новожилова, Е.В.Падучаева, С.А.Пушмина, И.А.Стернин, А.А.Уфимцевалар<sup>29</sup>, инглиз тили мисолида В.И.Шматова, К.Ю.Щербаков, Н.А.Сребрянская, О.А.Бесшапошниковалар<sup>30</sup>; роман тиллари, жумладан, француз тили материаллари бўйича М.И.Виолина, Е.Б.Савельевалар<sup>31</sup>; немис тили материаллари бўйича А.Е.Бурова, Е.Б.Стренадюклар<sup>32</sup> томонидан атрофлича ўрганилиб чиқилган ва махсус тадқиқ этилган.

Ҳавола бўлакли кўшпредикатив бирликлар ҳавола бўлақлар (айрим манбаларда нисбий сўз деб берилган) ёрдамида шаклланган бўлиб, эргаш гапли кўшма гаплар ҳақидаги назарий маълумотлар ҳам жуда кўп тадқиқотларда учрайди<sup>33</sup>.

Ҳавола бўлакли эргашган кўшпредикатив бирликларда тобелилик алоқаси икки томонламалилиги билан бошқа эргаш гапли кўшпредикатив бирликлардан фарқланади. Бу ҳақда А.Бердиалиев: «Алоқа йўналиши эргаш гаплардан бош гапга, айти вақтда бош гаплардан эргаш гаплар томон ҳаракат қилади», - деб таъкидлайди<sup>34</sup>. Тилшунослар томонидан тобе алоқанинг мазкур тури турлича

<sup>27</sup> Вейнрейх У. О семантической структуре языка. – В кн.: Новое в лингвистике. Вып. V. М.: Прогресс, 1970, С. 177-183.

<sup>28</sup> Бюлер К. Теория языка. Репрезентативная функция языка. М., 2000.

<sup>29</sup> Ерзинкян Е.Л. Дейктическая семантика слова. – Ереван: Изд-во Ерев ун-та, 1988. 479 с.; Пушмина С.А. Текстовое многомирие и вход в него через ворота дейксиса: автореф дис. канд. филол. наук. – Тюмень, 2009. – 22 с. Уфимцева А.А. Типы словосные илков М., 1974. – С. 16.

<sup>30</sup> Бесшапошникова О.А. Временной и пространственный дейксис в семантике фразеологических единиц современного английского языка: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1987. – 22 с.; Сребрянская Н.А. Дейксис и его проекции в художественном тексте: автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Волгоград, 2005. – 38 с.; Шматова В.И. Дейксис в системе глагола современного английского языка: автореф. дис. ... канд. Филол. наук. – М., 1976. – 23 с.

<sup>31</sup> Виолина М.И. Временной дейксис в повествовательном тексте (на материале французского языка): автореф. дис. ... канд. Филол. наук: 10.02.05/ М.И.Виолина. М., 2002. – 23 с.; Савельева Е.Б. Дейксис и анафора как элементы актуализации авторской позиции (на материале автобиографической прозы Андре Жида): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2014. – 18 с.

<sup>32</sup> Бурова А.Е. Просодика как средство выражения поля дейксиса в современном немецком языке: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Н.Новгород, 2003. – 20 с.

<sup>33</sup> Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. II том. Тошкент. «Фан» нашриёти. 1976 йил, Ғуломов А., Асқарова М. «Ҳозирги замон ўзбек тили» Тошкент. ЎзССР «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриёти. 1961 йил. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. 1990. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти. 1995 йил. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Жиззах. 2007 йил. Нурмонов А., Маҳмудов, Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицейлар учун дарслик. Тошкент. 2003-йил.

<sup>34</sup> Бердиалиев А. Эргаш гапли кўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент: Фан, 1989, С. 20-22-бетлар

номланган<sup>35</sup>. Бу борада А.М.Пешковский томонидан дастлаб тавсия этилган «ўзаро тобеланиш» атамаси тобе алоқа ҳодисаси моҳиятини тўлиқ акс эттиради<sup>36</sup>. Мазкур боғланишли эргаш гапли кўшпредикатив бирликларда эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирликдан олдин келади. Эргаш предикатив бирликдаги ишоравий бўлак умумлашган сўроқ маъносида, бош предикатив бирликдаги ишоравий бўлак эса шу сўроққа умумий жавоб маъносида бўлади<sup>37</sup>.

Баъзан бош предикатив бирликдаги ҳавола бўлаклар қўлланмаслиги ҳам мумкин, аммо унинг ўрни билиниб туради»<sup>38</sup>.

Бош предикатив бирлигида ҳавола бўлаги мавжуд бўлган кўшма гаплардаги ишоравий бўлакнинг туширилиши эргаш предикатив бирлик турининг ўзгаришига сабаб бўла олмайди.

*1. Шундай таълим беринги, у жасур, кучли, темир иродали йигит бўлиб улгайиш билан бирга, кўкдаги қушлардан, қирлар узра очилган гуллардан ва бу гуллардан бол йигиб юрган асаларилардан, қўйинги, табиатнинг бетакрор гўзалликларидан таъсирлана оладиган нозик қалбга ҳам эга бўлсин. «Маърифат садоси» газетасидан* *2. Келганимда дедиларки, бу йигит кони зарар, Кетмагандан, охир айт, борми зарар, кетмоқдаман. А.Орипов*

Келтирилган мисолларда ҳавола бўлаклар белгили ёки белгисиз қўлланган бўлса ҳам, ҳар иккисини ҳам бош предикатив бирлик деймиз. Бу каби ҳолатларда ҳавола бўлакларнинг тушиб қолиши ёки тушиб қолмаслиги уни бош гап дейишимизга тўсқинлик қилмайди. Фақат биринчи гапда бош предикатив бирликдаги ҳавола бўлакнинг синтактик ўрни беркитилмаган, иккинчи гапда эса ҳавола бўлакнинг синтактик ўрни очиқ қолган. Ҳавола бўлакнинг синтактик ўрнининг очиқ қолиши, одатда, эга ва тўлдирувчи эргаш гапли кўшпредикатив бирликларда кўпроқ кузатилади.

Тадқиқотнинг «**Ҳавола бўлакли эргашган кўшпредикатив бирликлар таснифи**» деб номланган иккинчи бобининг биринчи параграфидида ҳавола бўлакли кесим эргаш гапли кўшпредикатив бирликлар ҳақида маълумотлар бериб ўтилади.

Услубий жиҳатдан тежамкорликни таъминлаш мақсадида ҳавола бўлакли эргаш гап турларини номлашда қуйидаги шартли қисқартмалардан фойдаланишни лозим топдик. Масалан: ҳавола бўлакли кесим эргаш гапли кўшпредикатив бирликни **ҲБКЭГ** кўшпредикатив бирлик каби...

Ўзбек тилида бир **ҲБКЭГ** кўшпредикатив бирликлар жуда кенг тарқалган. Бундай кўшпредикатив бирликларда гапдан англашилган асосий фикр эргаш предикатив бирлик орқали ифодаланади. Эргаш предикатив бирлик бутунича бош предикатив бирликка нисбатан кесим синтактик вазифасида келади. Бош предикатив бирликнинг кесими вазифасида келган ҳавола бўлакнинг маъноси эргаш предикатив бирлик орқали аниқланади. Бунда бош предикатив бирлик

<sup>35</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. 7-е изд. М.: Учпедгиз, 1956, С.467-468.

<sup>36</sup> Бердиалиев А. Координатив алоқа ва унинг хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 3-сон, 21-бет.

<sup>37</sup> Аскарлова М.А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. АДД. Ташкент, 1963, С. 64.

<sup>38</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А, 9-синф учун дарслик. Тошкент «Тасвир» нашриёт уйи. 2006-йил. 46-бет

эргаш предикатив бирликни мантиқан изоҳлайди, унга баҳо беради ва уни характерлайди. Бу турдаги ХБКЭГ кўшпредикатив бирликда ҳавола бўлак фақат бош предикатив бирлик таркибида бўлади ва бу ишоравий бўлак кесим синтактик ўрнини эгаллайди. Кесим вазифасида келган ҳавола бўлак *шу, шундаки, шундайки, шундан иборатки* каби кўрсатиш олмошлари билан ифодаланади ва бош предикатив бирликдаги эганинг маъноси эргаш предикатив бирлик орқали изоҳланади. Бунда эргаш предикатив бирлик натижа мазмунини ифодалайди. Бош предикатив бирлик эргаш предикатив бирликка баҳо беради. *Ҳусайин Воиз Кошифийдан насиҳат буки: меҳмонга ҳалол ва покиза таом тақдим этилади.* «Ҳаловат» Т.Малик

Иккинчи бобининг иккинчи параграфида ХБЭЭГ кўшпредикатив бирликлар ҳақида маълумотлар бериб ўтилади. ХБЭЭГ кўшпредикатив бирликларда эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирлик таркибидаги эга синтактик ўрнини эгаллаган ҳавола бўлак маъносини аниқлаштиради, изоҳлайди. Бундай гапларнинг мазмуни аниқ ҳаракат-ҳолат, хусусиятларга оид бўлади.

Бир ХБЭЭГ кўшпредикатив бирликларда асосий мазмун эргаш предикатив бирликда ифодаланади, бош предикатив бирлик эса асосий фикрни англашга ҳозирлайди, унга диққатни жалб этади. Бундай кўшпредикатив бирликларда номинатив маъно бош предикатив бирлик орқали эмас, балки эргаш предикатив бирлик орқали ифодаланади.

Икки ХБЭЭГ кўшпредикатив бирликларда бири иккинчисига мазмунан мувофиқ келувчи ҳавола бўлакларнинг мавжудлиги гапнинг синтактик курилишига кўра ўзаро тобеланишли, яъни икки томонлама гап ҳисобланади.

Икки ХБЭЭГ кўшпредикатив бирликларда баъзан ҳавола бўлак сифатида шахс тушунчаси билан алоқадор бўлган *ким-у, ким-ўша* каби ўзаро қаршилантирилган олмошлардан ташқари нарса тушунчаси билан алоқадор бўлган *нима-шу, нима-ўша, ҳар нарса-ўша нарса, ҳар не-ўша нарса* каби ишоравий бўлаклар ҳам келиши мумкин. *Ҳар нарсаки таъби латифликдин пайдо бўлса, ул бешак латиф бўлур; Ҳар не маҳбуб айласа, марғуб эрур.* «Қобуснома»

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида ХБАЭГ кўшпредикатив бирликлар ҳақида маълумот бериб ўтилади.

Ҳавола бўлакли кўшпредикатив бирликнинг бу турида эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирлик таркибидаги от ёки олмош билан ифодаланган бирор гап бўлагига боғланиб, унинг белги-хусусиятини кўрсатиб келади ва бош предикатив бирлик таркибидаги ҳавола бўлак маъносини изоҳлайди.

Бир ХБАЭГ кўшпредикатив бирликларни Ғ.Абдурахмонов «Аниқловчи-изоҳ эргаш гаплар» номи билан атайди<sup>39</sup>. Кўшпредикатив бирликнинг бу турида эргаш предикатив бирлик маълум бир предметнинг белги-хусусияти тўғрисида маълумот беради ва бош предикатив бирликнинг мазмунини аниқлашга ёрдам беради. *Сабр шундай кучли бир нарсадирки, газабни*

<sup>39</sup> Ғ.Абдурахмонов. Ҳозирги ўзбек адабий тили 2-қисм. Тошкент-1966. 421-бет

*шижоатга, шиддатни ҳалимликка, катталикни тавозега, ёмонликни яхшиликка айлантормакликка қуввати етар.* А.Авлоний

ҲБАЭГ кўшпредикатив бирликнинг бу турида бош предикатив бирликда келган ҳавола бўлак, кўпинча, *шундай баъзан шундайин, шунақанги, ҳар, қандай* каби кўрсатиш, белгилаш ва сўроқ олмошлари, шунингдек, *айрим, бир* каби сўзлар билан ифодаланади. Эргаш предикатив бирлик эса бу ҳавола бўлак орқали аниқланмишнинг маъносини изоҳлайди, тўлдиради.

*1. Тамагирлик шундай касалликки, унга йўлиққан одам бора-бора ўзига тегишли нарсаларни ҳам бировнинг қўли билан ушлагиси, қучоқлагиси келадиган бўлиб қолади.* «Дафтар хошиясидаги битиклар» Ў.Ҳошимов *2. У қандай инсонки, ўз дўстининг тавба ва узрини қабул этмасин!?* «Одамийлик мулки» Т.Малик

Икки ҲБАЭГ кўшпредикатив бирликларда кўшпредикатив бирликнинг ҳар иккала қисмида *кимнинг-унинг, ким-унинг, кимки-унинг, кимки-ўша қандай-шундай, қайси-ўша* тарзидаги қаршилантирилган ҳавола бўлаклар қатнашган бўлади.

Икки ҲБАЭГ кўшпредикатив бирликларда баъзан эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирликка шарт майли орқали эмас, балки хабар майли шаклидаги феъл билан боғланади. *Кимки тиз кўтарар биров жонига, Замон ташна бўлар унинг жонига.* А.Фирдавсий

Икки ҲБАЭГ кўшпредикатив бирликлар шаклий тузилишига кўра бир умумийликни ташкил этса-да, мазмуний тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. *1. Ҳар кишиким қуёш чиққунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур.* «Қобуснома» *2. Киши нимани йўқотса, ўшанинг ўрнини яққолроқ ҳис этади.* Газетадан *3. Қаернинг ҳавоси тоза бўлса, ўша ернинг меваси ширин бўлади.* Газетадан *4. Ота-она қайси йўлга бошласа, фарзанд ўша йўлдан юради.* «Одобнома»дан

Юқорида келтирилган кўшпредикатив бирликларнинг барчаси шаклий тузилишига кўра икки ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли кўшпредикатив бирлик саналаса ҳам, мазмуний тузилишига кўра ўзаро фарқланувчи кўшпредикатив бирликлар ҳисобланади. Биринчи кўшпредикатив бирлик *шахс* мазмунини, иккинчи кўшпредикатив бирлик *нарса* мазмунини, учинчи кўшпредикатив бирлик *ўрин-жой* мазмунини, тўртинчи кўшпредикатив бирлик эса *белги-хусусият* мазмунини ифодаловчи ҳавола бўлакли кўшпредикатив бирликдир. Бизнинг кузатишларимизга кўра икки ҳавола бўлакли аниқловчи эргашган кўшпредикатив бирликлар мазмуний тузилишга кўра бир неча хил бўлади.

Мазкур бобнинг тўртинчи параграфида ҲБТЭГ кўшпредикатив бирликлар ҳақида фикр юритилган.

ҲБТЭГ кўшпредикатив бирликларда эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирлик таркибидаги бирор бўлакнинг маъносини аниқлаштиради.

Бир ҲБТЭГ кўшпредикатив бирликларда эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирликка *шу* ҳавола бўлаги орқали муносабатга киришади ва эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирликдаги ҳавола бўлак мазмунини очади.

Бош предикатив бирликнинг кесими *-ки* боғловчиси билан шаклланади. Бир ХБТЭГ кўшпредикатив бирликларда бош предикатив бирлик ва эргаш предикатив бирликларнинг жойлашиш ўрни доимийдир, яъни бош предикатив бирлик эргаш предикатив бирликдан олдин келади.

1. *Мен шунга аминманки – китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди.* Ш.Мирзиёев 2. *Такрор ва такрор шуни айтмоқчимизки, Сарвари оламнинг (с.а.в.) ҳаётларини ўрганиш биздаги яхши хулқларни тарбия этишига хизмат этади.* «Одамийлик мулки» Т.Малик

Мисоллардан кўришиб турибдики, эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирликдаги воситасиз ва воситали тўлдирувчи синтактик ўрнини эгаллаган ҳавола бўлак маъносини изоҳлайди.

Икки ХБТЭГ кўшпредикатив бирликларда эргаш предикатив бирлик ва бош предикатив бирликдаги ҳавола бўлаклари *ким...уни, ким...унга, ким...ундан, кимни...ўшани, кимда...ўшанда, кимдан...ўшандан, ҳар ким...уни, нимани...ўшани, нимага...ўша нарсага* тарзида ўзаро қаршилантрилади ва эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирликка *-са* шарт майли орқали боғланади. *Ҳаёт ниманики тақдим этган бўлса, ўшандан ортигини қайтиб олмайди.* «Баҳор қайтмайди» Ў.Ҳошимов

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, баъзан эргаш предикатив бирликдаги *нимани* ҳавола бўлаги ўрнида *неки, ҳар нени, ҳар нарса* каби олмошлар ҳам қўлланади. Бундай кўшпредикатив бирликларда эргаш предикатив бирликнинг кесими *-са шарт* майлида эмас, *ижро* майли шаклида бўлади. 1. *Сен неким қилдинг, унутдим мен тамом...* Алишер Навоий 2. *Ҳар неники севмоқ ондин ортуқ бўлмас, Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.* Алишер Навоий

ХБТЭГ кўшпредикатив бирликлар ўзаро бош предикатив бирликдаги ҳавола бўлакларнинг синтактик вазифасига кўра бир умумийликни ташкил этса-да, мазмунан бир-биридан фарқланади. 1. *Ким ақл билан иш тутса, унга ҳамма ишонади.* «Сўзлашув»дан 2. *Дунёдан ҳар нимаики ҳосил қилдим, сенинг олдингга қўйдим.* «Қобуснома» 3. *Ота-онанг қаерни азиз тутса, сен ҳам ўша ерни ардоқла.* Ҳикмат

Юқорида келтирилган предикатив бирликларда бош предикатив бирликда қўлланган ҳавола бўлаклари бир хил синтактик вазифада келган бўлса ҳам, лекин улар бир-биридан «*шахс*», «*нарса*», «*ўрин-жой*» мазмунини ифодалашига кўра фарқланиб туради.

Мазкур бобнинг бешинчи параграфида ХБХЭГ кўшпредикатив бирликлар ҳақида тўхталиб ўтилади.

Кўшпредикатив бирликнинг бу тури ҳам шаклий жиҳатдан бир ХБХЭГ кўшпредикатив бирлик ҳамда икки ХБХЭГ кўшпредикатив бирликларга бўлинади ва эргаш предикатив бирлик бош предикатив бирликка *қандай-шундай, қаер-шу ер, қаерга-шу ерга, қаерда-ўша ерда, қаердаки-ўша ерда, қаердан-ўша ердан, қачон-ўшанда, қачон-ўша пайтда, шундай, шунақа, шунақа ҳам, шу қадар, шунчалик, шу даражада, қанча-шунча, қанчалик-шунчалик, қанчалаб-шунчалаб, неча-шунча* каби ҳавола бўлаклари орқали боғланади.



шаклида бўлади: *ким... у (ўша), кимнинг... унинг (ўшанинг), кимни... уни (ўшани), кимга... унга (ўшанга), кимда... унда (ўшанда), кимдан... ундан (ўшандан), кимники... ўшаники...* Айрим ҳолларда эса эргаш ва бош предикатив бирликдаги ҳавола бўлақлар шаклан бир-бирига мос келмаслиги ҳам мумкин: *ким-унинг, ким-уни, ким-унга тарзида...*

Баъзи ўринларда бош предикатив бирликда келган ҳавола бўлақ мазмун ва услуб талаби билан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Аммо белгисиз қўлланган ҳавола бўлақнинг синтактик ўрни гапнинг умумий мазмунидан англашилиб туради. Бундай ҳолларда ҳавола бўлақ маъносига эмас, балки бутун диққат бош предикатив бирлик мазмунига қаратилади.

Ўзбек тилида қўлланувчи ҳавола бўлақли қўшпредикатив бирликларни *бош – бош, бош – қаратқич, бош – тушум, бош – жўналиш, бош – ўрин-пайт, тушум – тушум, ўрин-пайт – қаратқич* келиши шаклидаги ҳавола бўлақли қўшпредикатив бирликларга ажритишимиз мумкин.

Лисоний далиллар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳавола бўлақли эргашган қўшпредикатив бирлик қисмлари баъзан бир бош бўлақли гапларнинг шахси маълум, шахси умумлашган ва шахси номаълум гап кўринишларида ҳам бўлиши мумкин.

Баъзан эганинг иштирокига кўра ҳавола бўлақли эргашган қўшпредикатив бирлик қисмлари эгаси воқеланмаган гап кўринишида бўлиши мумкин. Бунда ҳавола бўлақли эргашган қўшпредикатив бирликнинг бош предикатив бирлиги ҳам, эргаш предикатив бирлиги ҳам, асосан, *шахси маълум гап* шаклида бўлади.

1. *Кузатувлардан аниқки, болалар ва ўсмирлар феъл-атворининг шаклланишида бўш вақтдан тўғри фойдаланиш ғоят муҳим экани тан олингани ҳолда бу зарур масала ечимига эътиборсиз қаралади.* «Ҳаловат» Т.Малик  
2. Элёр. *Сизга тилагим шуки, болам, яшаб қолишни эмас, яшашни ўрганинг.* «Инсон садоқати» Ў.Ҳошимов

Юқоридаги ҳавола бўлақли эргашган қўшпредикатив бирликларнинг биринчисида бош предикатив бирлик шахси маълум гап кўринишида бўлса, иккинчисида эса эргаш предикатив бирлик шахси маълум гап кўринишида ифодаланган.

Айрим ҳолларда ҳавола бўлақли эргашган қўшпредикатив бирликларнинг ҳар иккала қисми ҳам бир пайтнинг ўзида *эгаси воқеланмаган эргаш предикатив бирлик + эгаси воқеланмаган бош предикатив бирлик* қолипида бўлиши мумкин: 1. *Нимаики талаб қилсанг, буюравер!* «Одамийлик мулки» Т.Малик 2. *Қаёққа бурсанг, шунга ўрганар.* Мақол

Иккинчи параграф эса **«Ҳавола бўлақли эргашган қўшпредикатив бирликларнинг мазмуний тузилишига кўра таснифи»** деб номланиб, бунда ҳавола бўлақли қўшпредикатив бирликларга доир қарашлар ёритилган.

Анъанавий тилшунослик мураккаб синтактик бирлик ҳисобланган қўшма гапларни шаклан таҳлил этишда катта ютуқларга эришди. Бу борада ўзбек тилида қўшма гаплар тадқиқига бағишланган бир қатор илмий ишлар<sup>42</sup> мавжуд

<sup>42</sup> Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958; Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961; Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар.

бўлиб, мазкур тадқиқот ишларида қўшма гапларнинг шаклий белгилари кенг таҳлил этилган. Қўшма гапларнинг мазмуний мундарижасига камроқ эътибор берилган. Айрим тадқиқот ишларида қўшма гап ҳар бири турининг ўз ичида «қисмлар орасидаги мазмуний муносабатлар» тарзида изоҳлар бериб ўтилган.

Умуман олганда, ҳозирги замон ўзбек тилшунослигида қўшма гапларнинг семантик таснифи бўйича кенг миқёсдаги монографик тадқиқотлар амалга оширилганича йўқ.

Гапнинг семантик таҳлиliga бағишланган дастлабки маълумотларни рус тилшунослигида Н.Д.Арутюнова, Т.Б.Алисова, В.В.Богданов, В.Г.Гак, Г.А.Золотоваларнинг<sup>43</sup> тадқиқот ишларида учратиш мумкин.

Н.М.Маҳмудовнинг содда гаплар семантикасига бағишланган докторлик диссертацияси ўзбек тилшунослигида гап семантикасига бағишланган дастлабки ишлардан бири ҳисобланади<sup>44</sup>. Бироқ қўшма гапларнинг семантик таснифи борасида ўзбек тилшунослигида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Гап мазмунининг умумлашуви ва унинг кўпчиликка тааллуқли бўлиши масаласи, асосан, содда гаплар мисолида, И.Расулов томонидан бир составли гаплар доирасида «Шахси умумлашган гаплар» номи остида ўрганилган бўлиб, қўшма гаплар талқинида, деярли, унга кам эътибор қаратилган.

Бундай қўшма гап қисмлари орасидаги ҳавола бўлақлар семантик жиҳатдан шахсларга нисбатан (*ким-у, кимнинг-унинг, кимни-уни, кимга-унга, кимки-ўзи, кимдаким-ўша*), шахс бўлмаган предметларга нисбатан (*нима-шу, нимани-шуни, нимага-ўша нарсага*), белги-хусусиятларга нисбатан (*қайси-ўша, қандай-шундай*), пайтга нисбатан (*қачон-шунда*), ўринга нисбатан (*қаер-шу ер, қаерга-ўша ерга, қаерда-ўша ерда*), даража-миқдорга нисбатан (*қанча-шунча, неча-шунча*) турларга бўлинади.

Ҳавола бўлакли қўшпредикатив бирликларда, юқорида айтиб ўтганимиздек, мазмун умумга қаратилган бўлиб, доимий ва одатдаги ҳаракат-ҳолат, белги-хусусиятлар ифодаланади. Шунинг учун бош предикатив бирлик кесими ҳозирги-келаси замон шаклида бўлади. Бош предикатив бирлик мазмунан натижа ифодалайди. Эргаш предикатив бирликдан англашилган мазмун рўй берса, амалга ошиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг натижа мазмунини бош предикатив бирлик ифодалайди.

Икки ҳавола бўлакли эргашган қўшпредикатив бирликлар қисмлари мазмун функциясига кўра *шахс билан, шахс бўлмаган нарса ва тушунча билан, белги-хусусият билан, ўрин билан, пайт билан, ҳолат билан, даража-миқдор билан боғлиқ ҳаракат-ҳолатни билдирувчи турларга бўлинади.*

---

Тошкент, 1960; Абдурахмонов Х. Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гаплар. ДД. Тошкент, 1979; Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1966; Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис, Тошкент, 1986, 226, 290-бетлар; Равшанова С. Боғланган қўшма гаплар. ҚД. Тошкент, 1969 ва бошқалар

<sup>43</sup> Арутюнова Н.Д. Предложения и его смысл. М., 1976; Алисова Т.Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка, М., 1971; Богданов В.В. Семантико-синтаксическая организация предложения. Л., 1977; Гак В.Г. Проблема лексикограмматической организации предложения. Д.Д.М., 1967; Золотова Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М., 1973 ва бошқ.

<sup>44</sup> Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент: 1984.

Тўртинчи боб «*Ҳавола бўлакли полипредикатив бирликлар*» деб номланади ва икки параграфни ўз ичига олади.

*Биринчи параграфда* ҳавола бўлакли эргашган полипредикатив бирликлар масаласи тадқиқига тўхталинади. Бундай мураккаб синтактик бутунликларнинг бир қисмини бир неча эргаш предикатив бирликлар ташкил этса, иккинчи қисмини эса бош гап вазифасида келган предикатив бирлик ташкил этади.

Қисмларнинг ўзаро боғланиш усули ва характериға кўра ҳавола бўлакли эргашган полипредикатив бирликларни *уюшган эргаш гапли, уюшмаган эргаш гапли, мураккаб эргаш гапли ҳамда уюшган бош гапли полипредикатив бирликларга* ажратиш мумкин.

Таркиби бирдан ортиқ эргаш предикатив бирлик ва бир бош предикатив бирликдан ташкил топган мураккаб қурилма уюшган эргаш гапли полипредикатив бирлик ҳисобланади. Уюшган эргаш гапли полипредикатив бирликлар таркибидаги содда гапларнинг барчаси бир бўлиб, грамматик ва логик бутунликни ташкил этади, фикрни тугал ва атрофлича ифодалашга хизмат қилади.

Уюшган эргаш гапли полипредикатив бирликлар таркибидаги эргаш предикатив бирликлар бош предикатив бирликнинг бирор бўлагини изоҳлаши ёки унинг умумий мазмунини тўлдириб келиши мумкин.<sup>45</sup>

Эргаш предикатив бирликлар бош предикатив бирликнинг бирор бўлагига боғланиб, унинг мазмунини изоҳласа, тўлдирса, бўлакка эргашувчи уюшган эргаш гапли полипредикатив бирлик кўринишида бўлади. Эргаш предикатив бирликлар бош предикатив бирликнинг умумий мазмунига алоқадор бўлса, яъни бош предикатив бирликни умуман изоҳласа, умумий эргашишни юзага чиқарувчи ҳавола бўлакли эргашган полипредикатив бирлик ҳисобланади.<sup>46</sup> Мураккаб синтактик қурилманинг мазкур турида ҳавола бўлаклар ҳар иккала қисмда бўлиши ёки фақат ҳоким қисмда бўлиши мумкин. *1. Яхшилик шундай яхши нарсаки, уни қар эшита олади, кўр кўра олади. Донолар бисотидан 2. Ажаб! Унинг қанча жаҳли чиқса, қулранг кўзлари қанча ёнса, мен ўзимни шунча хотиржам ҳис эта бошладим. «Тушда кечган умрлар» Ў.Ҳошимов*

Юқоридаги мисолларнинг биринчиси бир ҳавола бўлакли уюшган эргаш гапли полипредикатив бирлик бўлса, иккинчиси эса икки ҳавола бўлакли уюшган эргаш гапли полипредикатив бирлик ҳисобланади.

Уюшган эргаш гапли полипредикатив бирликлардаги эргаш предикатив бирликлар сонини маълум миқдор билан чегаралаб бўлмайди. Умумий мазмун талаби билан эргаш предикатив бирликларни давом эттириш мумкин. Эргаш предикатив бирлик қанча такрорланиб келса, бош предикатив бирлик кесимининг маъноси ҳам шунча кўп очилади.<sup>47</sup> Шунинг учун ҳам бу хил типдаги мураккаб синтактик қурилмалар туркологияға бағишланган айрим

<sup>45</sup> А.Мамажонов. Периодик нутқ кўриниши (ўзбек тилидан махсус курс). Фарғона, 1995, 14-бет.

<sup>46</sup> Реформатский А.А. Введение в языковедение. М. 1967.стр.342.

<sup>47</sup> Э.Азларов. Ўзбек тилида бир неча эргаш гапли кўшм а гаплар. Канд. Дисс. Тошкент, 1962, 35-бет

тадқиқотларда «асық структурали кўп эйэрсэнли кушма һейлемдэр»<sup>48</sup> деб юритилади.

Уюшган эргаш гапли полипредикатив бирликлар ҳоким қисмдаги турли синтактик ўринда келган ҳавола бўлақларнинг маъносини изоҳлайди. Бош предикатив бирликнинг бирор бўлаги маъносини изоҳловчи уюшган эргаш гапли полипредикатив бирликларда эргаш предикатив бирликлар бош предикатив бирликка тўғридан тўғри тобеланади ва бош предикатив бирлик атрофида ёнма-ён ўринлашиб, бир фикрий доирани ташкил этади.<sup>49</sup>

Уюшмаган эргаш гапли полипредикатив бирликлар бош предикатив бирликка бевосита боғлана олмаслиги билан мураккаб эргашган полипредикатив бирликлардан фарқланиб туради. *Кимдаки дагал феъл бўлмиш намоён, Билимдон бўлса ҳам*, нафратга нишон. Бедил.

Юқоридаги полипредикатив бирликдаги эргаш предикатив бирликлар бош предикатив бирликка бевосита боғланмаган. Бунда биринчи эргаш предикатив бирлик (*Кимдаки дагал феъл бўлмиш намоён*) иккинчи эргаш предикатив бирликка (*Билимдон бўлса ҳам*) боғланиб, бир бутунликни ташкил этган ҳолда бош предикатив бирликдаги эга вазифасидаги ҳавола бўлақ маъносини изоҳлашга хизмат қилган.

Мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликдаги тобе предикатив бирликлар «бирдан ортиқ содда гапларнинг тенг ёки тобе боғланишидан ҳосил бўлади»<sup>50</sup>.

Ҳавола бўлақли эргашган полипредикатив бирликнинг бу турида тобе қисм кўшма гапнинг қайси туридан иборат бўлишидан қатъий назар, бош предикатив бирликка нисбатан бир эргаш предикатив бирлик вазифасини бажаради. Мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар ҳавола бўлақли полипредикатив бирликларнинг бошқа кўринишларидан қурилиши ва грамматик алоқаларнинг мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган ҳавола бўлақли полипредикатив бирликларнинг бу туридаги мураккаб эргаш гаплар таркиби боғловчисиз кўшма гапдан (*Шундай яшагилки, кетар чоғингда, Барча гирён қолсин, сен боргин хандон. Абдурахмон Жомий*), боғланган кўшма гапдан (*Шуни унутмаки, сен ер фарзандисан ва ерни ерни ардоқлаш, уни обод қилиш сенинг вазифангдир.*), эргаш гапли кўшма гапдан (*Сиз мендан сўрабсизки, бир кимсанинг кўп одамларга ёвузлик қилиш нияти маълум бўлса, у тақдирда қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотни тан олган киши нима қилиши керак?* «Тирик руҳлар» Шукурулло) ташкил топган бўлиши мумкин.

Бундай кўринишдаги мураккаб синтактик бутунликларда бирдан ортиқ бош предикатив бирлик мавжуд бўлади. Бу бош предикатив бирликлар бири-биридан ўрни ва вазифасига кўра фарқланади. Бош предикатив бирликлардан бири ҳавола бўлақли эргашган полипредикатив бирликнинг ҳоким қисми

<sup>48</sup> Сайтбатгалов Г.Г. Синтаксис сложного предложения башкирского языка. Докторская диссертация. Уфа, 1967, стр.213.

<sup>49</sup> А.Мамажонов. Периодик нутқ кўриниши (ўзбек тилидан махсус курс). Фарғона, 1995, 17-бет.

<sup>50</sup> Э.Азларов. Ўзбек тилида бир неча эргаш гапли кўшма гаплар. Кандидатлик диссертацияси, Тошкент, 1962, 236-бет.

ҳисобланади, иккинчи бош предикатив бирлик эса полипредикатив бирликнинг тобе қисмига тегишли бўлган бош гап ҳисобланади. Тобе қисмга тегишли бўлган бош предикатив бирлик баъзи адабиётларда «нисбий бош гап»<sup>51</sup>, баъзиларида эса «иккинчи даражали бош гап»<sup>52</sup> деб ҳам юритилади.

Иккинчидан сизга тегишлик ажабланарли хабар шулдирким, кеча ўрдадин қайтиб келсам, меҳмонхона саҳнида уч нафар йигит ўлтирибди. «Меҳробдан чаён» А.Қодирий

Юқоридаги мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликни қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчи предикатив бирлик мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликнинг ҳоким қисми саналса, иккинчи ва учинчи предикатив бирлик ўзаро бирикиб, алоҳида пайт мазмуни ифодаланган ҳол эргаш гапли қўшма гапни шакллантирган ва бутунлигича асосий (биринчи) бош предикатив бирликка нисбатан мураккаб кесим эргаш гап сифатида баҳоланади.

Бош предикатив бирлик таркибида қўлланувчи ҳавола бўлакка нисбатан изоҳлаш муносабатида бўлган мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар изоҳланаётган қисмдаги қайси ҳавола бўлакнинг маъносини тўлдирса, аниқласа, у ҳавола бўлакли бош предикатив бирликка нисбатан ана шу синтактик позицияда бўлади. 1. Ўз ризқига ишонган инсон шундайки, бойликка хурсанд бўлмайди, фақирликка эътибор қилмайди. Яхё ибн Муоз 2. Дейиладики: «Э фарзанд, ҳар қандай кишиникига меҳмон бўлиб бораверма, чунки ҳашамат ва шавкатингга зарар етказди». «Ҳаловат» Т.Малик 3. Шуни яхши билки, агар Аллоҳнинг назаргоҳи бўлган бир кўнгилини инжитсанг, кейин Каъбага борсанг ҳам, ундан олган савобинг ранжида бўлган кўнгили гуноҳини юва олмайди. «Энг кичик жинойят» Т.Малик

Таҳлилга тортилган полипредикатив бирликларда бош предикатив бирликка нисбатан тобе муносабатда бўлган мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар кесим, эга, тўлдирувчи синтактик вазифасида келганлигини кўрамыз.

Ҳавола бўлакли эргашган полипредикатив бирликларнинг уюшган бош гапли полипредикатив бирлик тури ҳам бошқа полипредикатив бирликлар каби икки қисмдан ташкил топади: ҳоким предикатив бирлик ҳамда тобе предикатив бирлик.

Бундай мураккаб синтактик бутунлик икки ва ундан ортиқ бош предикатив бирлик ва битта эргаш предикатив бирликнинг тобе муносабатидан юзага чиқади, шунингдек, бу эргаш предикатив бирлик бирдан ортиқ бош предикатив бирликларга нисбатан изоҳловчи қисм вазифасини бажаради. *Кимнинг пешонасига нима ёзилган бўлса, эртами кечми, шу нарса унинг бошига келади, ундан қочиб қутулиб бўлмайди...*

Ҳавола бўлакли эргашган полипредикатив бирликларнинг бу тури ҳавола бўлакли оддий қўшпредикатив бирликлардан бирдан ортиқ бош предикатив бирликларнинг мавжудлиги билан фарқланиб туради.

<sup>51</sup> М.Асқарова. Ўзбек тилида эргашини формалари ва эргаш гаплар. Тошкент, 1966, 313-бет

<sup>52</sup> А.Мамажонов. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида периодлар. Фил.фан.кан.дисс. Фарғона, 1974, 74-бет

*Кўнгли қотган кишиларга қанчалик ўғитлар қилсанг ҳам, қулоқларига олмаслар, ўзлари учун бирор фойда ола билмаслар. Сўфи Оллоёр*

Ҳавола бўлакли эргашган полипредикатив бирликларнинг бу тури ҳозирги ўзбек тилида кам учрайдиган ҳодисалардан биридир.

*Иккинчи параграфда* ҳавола бўлакли боғловчисиз полипредикатив бирликлар хусусида сўз юритилади.

Боғловчисиз полипредикатив бирликни ташкил этган бу қисмлар ўзаро бир-бири билан ҳеч қандай грамматик воситаларсиз фақат мазмун орқали бирикади. Бундай бирликларда ҳавола бўлак, одатда, мазмуни изоҳланаётган қисмда бўлади. Мазмунни изоҳлашга хизмат қилаётган қисм эса изоҳланувчи қисмда келган маълум синтактик вазифадаги ҳавола бўлак маъносини ойдинлаштиришга ёрдам беради. *Биз фақат шуни биламиз: унинг кори – омборчилик, касби – «кимёгарлик»дир.* «Фельетонлар «Кимёгар» А.Қахҳор

Баъзан ҳавола бўлакли изоҳланувчи қисм изоҳловчи қисмдан кейин келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда маъноси изоҳланувчи бўлак, кўпинча, кесим ёки тўлдирувчи синтактик вазифасида бўлади. Йўловчилар шу сувдан ичиб, боланинг катта бўлсин, умридан барака тапсин, деб онани дуо қилишарди, *гўдаклигидан эсида қолгани шу.* С.Аҳмад

Ҳавола бўлакли боғловчисиз полипредикатив бирликнинг шундай турлари ҳам учраб турадики, бундай бутунликда бирламчи ҳавола бўлак ва иккиламчи ҳавола бўлак қатнашган бўлади. Бундай ўринларда иккиламчи ҳавола бўлак изоҳловчи қисм таркибида келиб, бирламчи ҳавола бўлак қатнашган предикатив бирликдаги асосий ҳавола бўлак маъносини изоҳлашга хизмат қилади. Буни қуйидаги мисол орқали кўриш мумкин. *Энди гап шу, билмасанг, (шуни) билиб ол: мен ўғриман!* «Мурдалар гапирмайдилар» Т.Малик

Юқоридаги мураккаб синтактик полипредикатив бирликда иккиламчи ҳавола бўлак тўлдирувчи синтактик вазифасида келган белгисиз *шуни* кўрсатиш олмоши ҳисобланиб, бу бўлак қатнашган бирлик уч предикатив бирлик (*билмасанг, (шуни) билиб ол: мен ўғриман!*) дан ташкил топган ва кесим синтактик вазифасида келган бирламчи ҳавола бўлакка (*шу*) нисбатан изоҳлаш муосабатида бўлиб, шу ҳавола бўлак маъносини аниқлашга хизмат қилган.

Умуман олганда, юқоридаги мисоллардан англашимиз мумкинки, ҳавола бўлакли боғловчисиз полипредикатив бирликлар, асосан, бадий асарларда учрайди.

## ХУЛОСА

1. Ҳавола бўлакли синтактик конструкцияларни ўрганиш, нафақат ўзбек тилшунослиги, балки, умуман, тилшунослик фани учун ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга.

2. Ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар услубий жиҳатдан хосланган бўлиб, асосан, ёзма нутқ услубида кенг қўлланилади. Бундай конструкциялар ўзбек тилида маълум бир системани ташкил этади.

3. Грамматик жиҳатдан ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар монопредикатив, кўшпредикатив ҳамда полипредикатив бирликлар кўринишида шаклланувчи синтактик бутунликлардир.

4. Ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар таркибидаги ҳавола бўлақларнинг миқдорий белгисига кўра бир ҳавола бўлакли ва икки ҳавола бўлакли синтактик бутунликларга ажралади.

5. Ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар шаклий ва мазмуний тузилиши жиҳатдан алоҳида ажралиб турувчи синтактик бирликлардир.

6. Ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар таркибидаги қисмларнинг ўзаро мазмуний муносабатига кўра изоҳланувчи (бош предикатив бирлик) ва изоҳловчи қисм (эргаш предикатив бирлик) деб номланувчи икки қисмдан ташкил топади.

7. Ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар шаклий жиҳатдан кесим, эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол предикатив бирликлардан иборат бўлади.

8. Ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар мазмун жиҳатдан хилма-хил бўлиб, улар `шахс`, `нарсa`, `белги`, `ўрин`, `пайт`, `тарз`, `даража-миқдор`, `натижа` мазмунидаги предикатив бирликлардан иборат бўлади ва тўлиқ ва тугалланган фикр ифодаловчи синтактик бутунлик ҳисобланади.

9. Ҳавола бўлакли кўшпредикатив ва полипредикатив бирлик қисмлари ўзаро бир-бири билан тенглашиш ёки тобелашуш йўли билан грамматик алоқага киришувчи синтактик конструкциялардир.

10. Ҳавола бўлакли синтактик конструкциялар семантик хусусияти жиҳатидан дидактик характердаги фикрларни ифодаловчи услубий-синтактик восита сифатида муҳим аҳамиятга молик бўлиб, уларда мазмун умумга қаратилган бўлади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING  
SCIENTIFIC DEGREE DSc.27.06.2017.Fil.05.02  
AT FERGHANA STATE UNIVERSITY**

---

**FERGHANA STATE UNIVERSITY**

**TESHABOEV DILMUROD RAKHMADJONOVICH**

**SYNTACTIC CONSTRUCTIONS WITH DEICTIC  
ELEMENTS IN UZBEK LANGUAGE**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**DISSERTATION ABSTRACT FOR THE DOCTOR OF PHILOSOPHY DEGREE (PhD)  
ON PHILOLOGICAL SCIENCES**

**Ferghana – 2019**

**The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number № B2018.4.Ph234**

The dissertation has been prepared at the chair of Uzbek linguistics of Ferghana State University.

The abstract of the PhD dissertation is posted in three (Uzbek, English and Russian (Resume)) languages on the website of the Scientific Council ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) and on the website «ZiyoNet» Information-educational portal ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Scientific consultant:**

**A.Mamajonov**

Doctor of Philological sciences, professor

**Official opponents:**

**N.Makhmudov**

Doctor of Philological sciences, professor

**H.Usmonova**

Doctor of Philological sciences, dosent

**Leading organization:**

**Tashkent Institute of Uzbek language and literature after A.Navoiy**

Defense of the Dissertation will take place on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019, at \_\_\_\_\_ p.m. at a meeting of Scientific Council DSc.27.06.2017.Fil.05.02 under Ferghana State University (Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151. Tel: (99873) 244-66-02; fax: (99873) 244-44-01; e-mail: [info@fdu.uz](mailto:info@fdu.uz)).

Dissertation could be reviewed information-resource center of Ferghana State University (registration number \_\_\_\_). Address: 19. Murabbiylar Street, Ferghana, 100151, Tel.: (99873) 244-71-28.

Dissertation abstract sent out on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019.

(Mailing report number \_\_\_\_ on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019).

**A.Kosimov**

Chairman of Scientific Council Awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

**I.Khojialiev**

Secretary of Scientific Council Awarding scientific degree, Candidate of sciences, docent

**S.Muminov**

Chairman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

## INTRODUCTION

**The actuality and significance of the dissertation work.** There are numerous achievements in the study of the compound sentences in the world linguistics which are considered the complex unit of the syntactic layer. The tradition of study the language units in connection with a factor of a person is dominating in today's linguistics. The emergence of the new theory of compound sentences gives the possibility to reveal and solve the problems of the syntactic constructions through the structural-semantic analyses.

There are considerable researches in the world linguistics which are devoted to the profound analyses of the compound sentences and thorough study their linguistic essence. The study of the structural-semantic classification of compound sentences and their stylistic features worth special consideration, the investigation of the problems in their formal and semantic features has become a problem of study. Simultaneously, the scientific analyses of the linguistic features of the complex syntactic units, profound revealing of the theoretical-practical laws, suggesting of the complex and exact laws, definitions and inferences are significant.

The political, social and economical alterations and the development of the science and technologies in today's world are impetus to consider the matters in Uzbek linguistics. There are action-oriented studies of the matters of compound sentences in Uzbek linguistics. One of the priority branches is studying the syntactic constructions with deictic elements within the compound predicative and polypredicative clauses. There is a need to substantiate the structural-semantic features of the compound sentences, to study the formal and semantic features, to define the the emergence of the linguistic nature of the compound predicative and polypredicative units with deictic markers, to reveal their description and classification and replenish the non-defined features with the new views and theories. In its turn, it raises the science progress to the new level. Thus, the attention to the language is considered the main factor of the government and society ruling. As the native tongue is the main feature of the nation «...one must show the richness of our language, the respect and love to it by spread all over the world»<sup>1</sup>. The creating the new researches on the bases of the modern development principles are the main task of Uzbek language syntax nowadays as the language policy of the period of Independence.

The given dissertation has been fulfilled according to the requirements of the following laws and regularities as PD-4958 «On the development of the postgraduate education» on 16 February, 2017; PD-2909 «On measures of the development of the Higher Education system» on 20 April, 2017; the law-304 of the Cabinet of Ministry «On further development of the postgraduate education» on May 22, 2017 and other standards.

**The appropriateness of the research to the prior directions of the development of science and technologies.**

The dissertation work has been fulfilled according to the main leading branch of the development of Science and Technology of the republic I. «The cultural, spiritual

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари билан суҳбатидан/<https://sputniknews-uz.com>

and educational development of the democratic and lawful society and forming of the innovational economics».

**The scope of study of the problem.** To the present day the development of linguistics have covered many issues concerning phonetic, lexical and sentence levels. In particular, much attention is paid to the issues of compound sentences in the world linguistics. The problems of compound sentences have been discussed at different times by scholars Sh.Baley, A.M Peshkowski, I.N. Egorova, U.Veynreich, V.V.Checheulin, N.N.Ilina, E.V. Paducheva, T.A. Kolosova, V.A. Kornilov, G.F. Gavrilov, V.S. Strahova, A. Birvish, V.A. Beloshapkova, O.I. Muskalskaya, M.I. Cheremisina, O.K. Vasileva-Shvede, G. V.Stepanov, A.N. Baskakov, S.I. Shutova, E.N. Shiryaev, A.Z. Abdullaev, A.G. Dzhavadov, B.B. Kasevich, V.G. Admoni, S.A.Shuvalova<sup>2</sup>.

In the Uzbek linguistics there are studies of G.Abdurahmonov, M.Askarova, A.Berdialiev, A.Mamajonov, R.Sayfullaeva<sup>3</sup>. However, issues such as the structural and semantic features of syntactic constructions with deictic elements Uzbek

---

